

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ
ҚўМИТАСИННИГ

ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА
ТАРБИЯЛНААЁТГАН БОЛАЛАРНИ ХАВФСИЗ ВА СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШИНИ
ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ОИД ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАРГА (0016-21-СОН САНҚВАН)
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 23 марта ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 152]

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «[Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида](#)»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «[Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида](#)»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сон «[Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатланириш тизимини янада такомиллаштириш түғрисида](#)»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник [талабларга](#) (0016-21-сон СанҚвАН) [иловага](#) мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан қелишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б.
ЮСУПАЛИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 17 февраль,
2-сон
Келишилди:

Мактабгача ва мактаб таълими вазири X. УМАРОВА
2023 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2023 йил 17 февралдаги 2-сон [қарорига](#) [ИЛОВА](#)

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга (0016-21-сон СанҚвАН) киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. [Муқаддима](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (кейинги ўринларда — санитария қоидалари) Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «[Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида](#)»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «[Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар](#)»

тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сон «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва соғлом овқатланишини ташкил этиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ҳамда овқатдан заҳарланишларнинг олдини олиш чораларини белгилайди.».

2. 2-банднинг «б» кичик бандидаги «тавсиялар» деган сўз «талаблар» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. **3-бандда:**

биринчи — учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«3. Қуйидагилар:

Бир ёшдан уч ёшгача болаларни мактабгача таълим ташкилотларида ўртacha кунлик овқатланиш нормалари, энергетик қуввати (оқсил, ёғ, углеводлар) 1-иловага мувофиқ;

Уч ёшдан етти ёшгача болаларни мактабгача таълим ташкилотларида овқатланиш нормалари, энергетик қуввати (оқсил, ёғ, углеводлар) 2-иловага мувофиқ;

Турли ёшдаги гурухлар учун минерал моддаларнинг ўртacha кунлик физиологик нормалари 3-иловага мувофиқ;

Айрим озиқ-овқат маҳсулотларни алмаштирилиши жадвали 4-иловага мувофиқ;

Озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов ва термик ишлов берилганда йўқотиладиган оғирлик нормаси (фоизда) 5-иловага мувофиқ;

Болаларга берилаётган таомларнинг ҳажми (граммда) 6-иловага мувофиқ;

100 грамм озиқ-овқат маҳсулотининг кимёвий таркиби 7-иловага мувофиқ;

Ошхонада юритилаётган назорат ҳужжатларининг шакллари келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг бракераж журнали 8-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим ташкилотига келтирилган тез бузилувчи маҳсулотларни сақлаш муддати 9-иловага мувофиқ;

Таомларни органолептик баҳолаш 10-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим ташкилотларининг ошхоналарида фойдаланишга рухсат этилган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати 11-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим ташкилотларида юқумли касалликлар ҳамда овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида фойдаланишга рухсат этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати 12-иловага мувофиқ;

Сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг хусусиятлари 13-иловага мувофиқ белгиланади.»;

тўртинчи хатбоши тегишли равишда ўн бешинчи хатбоши деб хисоблансин.

4. **4-бандда:**

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Мактабгача таълим ташкилотларининг ошхоналарида мазкур санитария қоидаларининг 11-иловасида келтирилган Мактабгача таълим ташкилотларининг ошхоналарида фойдаланишга рухсат этилган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхатига риоя қилиниши лозим.

Болалар овқат рационини шакллантиришда маҳсулотлар кун давомида тўғри тақсимланиши зарур. Оқсилга бой маҳсулотлар ёғ билан берилганда бола ошқозонида узоқ вакт сақланиб туриши ва қўпроқ микдорда ҳазм қилдирувчи меъда ширасини талаб қилиши боис, таркибида гўшт, балиқ, тухум каби маҳсулотлари бор таомларни куннинг биринчи ярмида (нонушта ва тушликка) бериш лозим. Кечки овқатда болаларга сутли ва сабзавотлардан тайёрланган енгил ҳазм бўладиган таомлар берилиши керак.»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача таълим ташкилотларининг кунлик овқатланиш рационига болаларнинг ташкилотда бўлган вақтларидан (3-4, 9 — 10,5, 12 ва 24 соат) келиб чиқиб, мазкур санитария қоидаларининг 1 — 3-иловаларида кўрсатилган маҳсулотлар киритилиши лозим.

10 кун давомида сарфланган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори мазкур санитария қоидаларининг 1 — 3-иловаларида белгиланган кунлик нормалар йигиндисига мос бўлиши керак.»;

тўқизинчи ва ўнинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

5. 5-банднинг иккинчи хатбошидаги, 6, 41, 42, 73, 75, 76 ва 78-бандлардаги «мазкур талабларнинг» деган сўзлар «мазкур санитария қоидаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. **11-бандда:**

учинчи хатбошидаги «тўрт марталик» деган сўзлар «уч марталик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «беш марталик» деган сўзлар «тўрт марталик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 12-банднинг **учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Физиологик нуқтаи назардан тўғри овқатланишнинг асосий тартиби нонушта (08:30-09:30), тушлик (12:00-13:00), иккинчи тушлик (15:30-16:00), кечки овқат (18:30-19:00) ва кечки тамадди (20.00-20.30) шаклида бўлиши лозим.».

8. Қўйидаги мазмундаги 83-банд билан тўлдирилсин:

«83. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чикувчилар рўйхати 14-иловада келтирилган.».

9. 1-иловадаги **жадвалнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир ёшдан уч ёшгача болаларни мактабгача таълим ташкилотларида ўртacha қунлик овқатланиш нормалари, энергетик қуввати (оқсил, ёғ, углеводлар)».

10. 2-иловадаги **жадвалнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Уч ёшдан етти ёшгача болаларни мактабгача таълим ташкилотларида овқатланиш нормалари, энергетик қуввати (оқсил, ёғ, углеводлар)».

11. **3-илова** мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг **1-иловасига** мувофиқ тартибда баён этилсин.

12. **5-иловадаги** «оғирлигининг» деган сўз «оғирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. **6-илова** мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг **2-иловасига** мувофиқ тартибда баён этилсин.

14. **11-иловадаги** «тавсия этиладиган» деган сўзлар «фойдаланишга рухсат этилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 12-иловадаги **жадвалнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача таълим ташкилотларида юқумли касалликлар ҳамда овқатдан захарланиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида фойдаланишга рухсат этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати».

16. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг **3-иловасига** мувофиқ таҳрирда 14-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга (0016-21-сон СанҚвАН)
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга
3-ИЛОВА

Турли ёшдаги гурухлар учун минерал моддаларнинг ўртacha қунлик физиологик нормалари

Боланинг ёши	кальций, мг	фосфор, мг	магний, мг	темир, мг	рух, мг	селен, мг	йод, мг	C, мг	A, мг	E, мкг	D, мкг	B₁, мг	B₂, мг	B₆, мг	PP, мг	Фо
---------------------	--------------------	-------------------	-------------------	------------------	----------------	------------------	----------------	--------------	--------------	---------------	---------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	---------------	-----------

Бир ёшдан уч ёшгача	800	800	150	10	5	0,01	0,1	30	400	5	10	0,5	0,5	0,5	6	1
Уч ёшдан етти ёшгача	900	800	200	10	8	0,02	0,1	50	500	7	10	0,9	1,0	1,2	8	2

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбиялангаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга (0016-21-сон СанҚвАН) киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбиялангаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга
6-ИЛОВА

Болаларга берилаётган таомларнинг ҳажми (граммда)

Болаларнинг ёши	Нонушта	Тушлик	Иккинчи тушлик	Кечки овқат
1 — 3 ёшгача	250 — 330	445 — 480	200 — 210	280 — 310
3 — 7 ёш	330 — 400	530 — 580	210 — 225	340 — 370
Болаларга берилаётган таомларнинг номи ва миқдори				
Таом номи			Порция миқдори (г, мл)	
			1 — 3 ёшгача	3 — 7 ёш
Нонушта				
Бўтка (сутли, ёрмали, сабзавотли) ёки сабзавотли таом		120 — 150	150 — 180	
Ёки гўштли, балиқли, творогли, тухумли таомлар гарнир билан		50/100	50/130	
Қайноқ ичимликлар (сутли какао, сут, сутли чой)		100 — 130	130 — 150	
Нон		25 — 30	30 — 40	
ёки бутербродлар		35 — 65	40 — 75	
Тушлик				
Сабзавотлардан тайёрланган салат		35 — 40	40 — 50	
1-таом (шўрва, бульон)		120	150	
2-таом (куюқ таомлар)		130 — 150	150 — 180	
ёки гўштли, балиқли таом гарнир билан		50/100	50/130	
Компот, шарбат, кисель		130	150	
Иккинчи тушлик				
Сут, қатик, сутли чой, шарбатлар		150	150	
Булочка ёки хамирли қандолат маҳсулотлари		50 — 60	60 — 75	
Кечки овқат				
Бўтка (сутли, ёрмали, сабзавотли) ёки сабзавотли таом		120 — 150	150 — 180	
Сут, қатик		130	150	
Кечки тамадди				
Қатик, кефир, ёки мевалар		100	130	

».

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланадиган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга (0016-21-сон СанҚвАН)
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланадиган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга
14-ИЛОВА

Ишлаб чиқувчилар рўйхати:

- Р.Т. — Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти
Камилова директори в.в.б., т.ф.д., профессор;
Н.Ж. — Тошкент тиббиёт академиясининг Болалар, ўсмиirlар ва овқатланиш
Эрматов гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.д., доцент;
Р.А. Касимов — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
кўмитаси бош мутахассиси, т.ф.н.;
Л.И. Исакова — Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг
Болалар ва ўсмиirlар гигиена лабораторияси катта илмий ходими, PhD;
А.Н. — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
Шукуров кўмитасининг Санитария-гигиена бошқармаси бошлиғи, т.ф.н.;
Г.Ю. — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
Мухамедова кўмитасининг Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси бўлими мудири;
У.Т. — Мактабгача таълим агентлигининг Болалар саломатлиги, соғлом
Мухиддинова овқатлантиришни таъминлаш ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим
ташкилотларни фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарма бошлиғи,
т.ф.н.;
Г.У. — Мактабгача таълим агентлигининг Болалар саломатлиги, соғлом
Насирова овқатлантиришни таъминлаш ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим
ташкилотларни фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарма бош
мутахассиси.

Тақризчилар рўйхати:

- Қ.Т. Бокиев — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
кўмитасининг Санитария-гигиена бошқармаси бош мутахассиси, т.ф.н.;
М.А. — Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг
Хамракулова Даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, т.ф.д., профессор».